УДК 811.512.133

ЎЗБЕК ТИЛИДА МУРАККАБЛАШГАН СОДДА ГАПЛАРДА МЎЪТАДИЛЛАШУВ

Д.А. Нурманова

Тил системасида муайян зиддиятда бўлган икки лисоний бирликнинг нутқ жараёнида маълум шароитда зидланишга асос бўлган белгиларини йўқотиб, бир хил бўлиб қолиши мўътадиллашув (нейтрализация) саналади. Мўътадиллашув тилнинг барча сатҳлари учун хос бўлган универсал ҳодисадир. Мақолада ўзбек тилининг синтактик сатҳида, хусусан, сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи оборотлари билан мураккаблашган содда гапларда мўътадиллашувнинг амал қилиши, унинг юзага чиқиш сабаблари ҳақида фикр юритилган.

Калит сўзлар: *зиддият, мўътадиллашув, пропозиция, асосий предикация, иккинчи даражали предикация, сифатдош оборот, равишдош оборот, сифатдошли оборот.*

Сглаживание в процессе речи дифференциальных признаков элементов языковой структуры, находящихся в оппозиционных отношениях в системе языка называется нейтрализацией. Нейтрализация есть универсальное явление, свойственное каждому уровню языковой структуры. В данной статье речь идет о проявлении нейтрализации в синтаксических единицах узбекского языка, в частности, в осложнённых причастными и деепричастными оборотами простых предложениях, и раскрываются их причины.

Ключевые слова: *оппозиция, нейтрализация, пропозиция, основная предикация, вторичная предикация, деепричастный оборот, причастный оборот.*

Ўзаро зиддиятли муносабатда бўлган бир парадигмага мансуб лисоний бирликларнинг маълум шароитда зидланиш белгиларини йўқотиб, бир хил бўлиб қолиши мўътадиллашув (нейтрализация) дейилади. Мўътадиллашув ҳодисаси тилнинг барча сатҳлари учун амал қилувчи универсал ҳодисадир. Аммо, шундай бўлишига қарамасдан, унинг сатҳларда амал қилиш шакли бир хил эмас. Бу ҳақда А.Нурмонов шундай дейди: “Фонологик сатҳда оппозиция аъзоларининг шакл жиҳатдан бир хил бўлиб қолиши фонологик оппозиция нейтраллашувини ҳосил қилса, юқори сатҳда уларнинг мазмуни бир хил бўлиб қолиши ҳам грамматик оппозиция нейтраллашуви деб қаралиши лозим. Чунки оппозиция аъзолари мазмунан оппозициядан чиқиб, ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган бир семантик парадигмани ҳосил қилади. Бу вақтда оппозиция аъзоларидан бири транспозитив ҳолатда қўлланган бўлади” [1. Б. 50]. Бунга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, фонологик сатҳда мўътадиллашув зидланувчи аъзоларнинг шаклий томони билан боғлиқ бўлса, синтактик сатҳда шаклий, мазмуний, шунингдек, ҳам шаклий, ҳам мазмуний томонлари эътиборга олинади. Шунга кўра, синтактик сатҳ бирликлари ўртасидаги зиддиятларни уч турга ажратиш мумкин:

1. Синтактик зиддият (шакл ва шакл зидланиши).

2. Семантик зиддият (бир шакл ичида маънолар зиддияти).

3. Синтактик-семантик зиддият (шакл ва мазмун зиддияти).

Директор мактабдан гапирди жумласидан икки хил маъно англашилиши мумкин: 1) директор мактаб ҳақида гапирди (Нима ҳақида гапирди?); 2) директор мактабдан туриб гапирди (Қаердан гапирди?). Бунда бир шакл ичида маънолар зиддияти кузатилади. Контекстда ана шу маънолардан фақат биттаси функциялашади. Натижада семантик зидланишларнинг мўътадиллашуви рўй беради.

Ўтиришингизни буюраман жумласида икки хил зиддият кузатилади: 1) шакл ва мазмун зиддияти (дарак гап шакли ва буйруқ мазмуни ўртасидаги зиддият); 2) шакл ва шакл зиддияти (синтактик зиддият). Бу ўринда буйруқ мазмуни учун икки хил гап шаклидан фойдаланиш мумкин: *Ўтиринг//Ўтиришингизни буюраман.* Биринчиси буйруқ гап, иккинчиси дарак гап. Ана шу буйруқ ва дарак гап шакллари ўртасида кузатилган зиддиятни синтактик

зиддият деб юритдик. Тилда ўзаро зиддиятли муносабатда бўлган ана шу зидланувчи аъзолардан нутқий вазиятда фақат биттасининг реаллашиши натижасида мўътадиллашув юзага келади.

Е.А.Шипилова “Содда ва қўшма гаплар системасида мўътадиллашув” номли мақоласида синтактик сатҳдаги мўътадиллашувни сатҳлараро ва бир сатҳ доирасидаги мўътадиллашувга ажратади. У сатҳлараро мўътадиллашув деганда содда ва қўшма гаплар доирасидаги мўътадиллашувни, бир сатҳ доирасидаги мўътадиллашув деганда эса фақат содда гаплардаги мўътадиллашувни назарда тутади [2. Б. 64].

Демак, бир сатҳ доирасидаги мўътадиллашувга ўзбек тилида содда гаплардаги ифода мақсадига кўра, тасдиқ-инкор белгисига кўра, мураккаблашувига кўра, зарурий бўлакларнинг иштирокига кўра зидланишларининг мўътадиллашуви; қўшма гаплар доирасидаги боғланган, эргашган ва боғловчисиз қўшма гапларнинг мўътадиллашуви олинса, сатҳлараро мўътадиллашувга содда ва қўшма гаплар ўртасидаги зидланишларнинг мўътадиллашуви мансубдир. Қуйида сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи оборотлари билан мураккаблашган содда гаплардаги (бир сатҳга мансуб бўлган) зидланишлар ва уларнинг мўътадиллашуви ҳақида фикр юритилади.

Мураккаблашган содда гаплар мавзуси ўзбек тилшунослигида биринчи бор Ғ.Абдураҳмонов томонидан ўрганилган. Бундай гаплар дастлаб “мураккаб гап” термини билан юритилди. Содда гап таркибида ажратилган бўлаклар, ундалма, киришлар қатнашган гаплар мураккаблашган содда гаплар деб қаралди. Ғ.Абдураҳмонов гапнинг ажратилган бўлакларига ажратилган сифатловчилар, изоҳлар, ажратилган предикатив оборотлар (равишдош, сифатдош, шарт феълли оборотлар), махсус кўмакчили конструкцияларни киритди. Равишдош, сифатдош, шарт феъли бошқарган конструкцияларнинг ажратилган бўлаклар саналишига сабаб уларнинг мазмуни умумий гап мазмунидан ажратилиб ифодаланишида, уларда маълум даражада мазмун тугаллигининг, предикативликнинг бўлишидан деб баҳоланди. Равишдош, сифатдош ва шарт феъли бошқарган конструкциялар маълум гап бўлакларидан ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туриши айтилди. Бу хусусиятларга: а) уларда мазмунан маълум мақсад ифодаланиши; б) равишдош, сифатдош, шарт феълининг феъллик хусусиятидан келиб чиқиб, улар иштирокидаги гапларда маълум даражада предикативликнинг ифодаланиши; в) бундай конструкцияларда интонация эргаш гап интонациясига маълум даражада яқин туриши киритилди [3. Б. 202]. Бу хусусиятлар уларни алоҳида синтактик конструкция сифатида изоҳлашга олиб келди. Мазкур мақолада ана шундай конструкцияли гаплар ва уларда мўътадиллашув масаласи ҳақида фикр юритамиз.

Маълумки, тилда пропозициянинг ифодаланиш шакллари бир хил эмас. Пропозиция предикатив ва нопредикатив бирликлар орқали ҳам ифодаланиши мумкин. В.А.Белошапкова пропозициянинг турли усуллар билан ифодаланишини ва бунда икки усул бир-биридан принципиал жиҳатдан фарқ қилишини айтади ҳамда бу усуллар сифатида пропозициянинг: 1) предикатив ва 2) нопредикатив конструкциялар билан ифодаланишини кўрсатади. Ҳар икки қарашда ҳам иккиламчи репрезентация, иккиламчи усул сифатида, асосан, пропозициянинг сифатдош, равишдош, ҳаракат номи (инфинитив), адъектив ёки субстантив конструкциялар (оборотлар) билан ифодаланиши назарда тутилади. Албатта, пропозиция асосий бирламчи усулда репрезентация қилинганда, гапнинг семантик ва синтактик структуралари ўртасидаги симметрия сақланади, гапнинг объектив мазмуни ҳам, синтактик структураси ҳам содда, яъни монопропозитив ва монопредикатив бўлади. [4. Б. 95]. Содда гап таркибида сифатдош, равишдош, ҳаракат номи билан кенгайган бирикмалар, ўхшатиш конструкциялар қатнашганда эса гап мазмунан мураккаблашади ва унинг синтактик ҳамда семантик структуралари ўртасида зиддият кузатилади. Бундай конструкциялар тилшунослар томонидан турлича номланиб келинди. Ўзбек тилшунослигида мураккаблашган содда гапларни биринчи бўлиб ўрганган Ғ.Абдураҳмонов бундай конструкцияларга нисбатан “иккинчи даражали предикация” терминини қўллайди [5. Б. 139]. Г.А.Золотова “дополнительная предикация” [6. Б. 254], А.А.Юлдашев “связанная предикация” [7. Б. 256], Н.З.Гаджиева эса “тобе трансформалар” [8. Б. 236] деб номлайди. Профессор Н.Маҳмудов содда гапларни мураккаблаштирувчи бундай конструкцияларга нисбатан “иккинчи даражали предикация” терминини қўллашни маъқул деб билади ва шундай дейди: “Биз “иккинчи даражали преди-

кация” деб номлашни маъқул кўрамиз. Чунки бундай предикация гапда вужудга келган лингвистик алоқаларни худди асосий предикация каби ифода этса ҳам, тўлиқ гапни шакллантирмайди, ўзининг манифестацияси учун мустақил гапни талаб қилмайди. Бунга, табиийки, мазкур предикацияни ифода этувчи конструкцияларнинг номинализациялашганлиги ҳам монелик қилади. Айни пайтда бу предикация мазкур конструкциялар кирган гапдаги асосий предикация фонида, у билан биргаликда юзага келади, яъни асосий предикацияга қараганда гўёки иккинчи планда бўлади. Ана шу маънода ҳам уни асосий предикацияга нисбатан “иккинчи даражали предикация” деб номлаш, бизнингча, ўринлидир” [4. Б. 99]. Олим туркий тилларда, хусусан, ўзбек тилида иккинчи даражали предикацияга эга бўлган конструкциялар орасида сифатдош, равишдош ва ҳаракат номи ҳамда феълнинг шарт майли шаклли оборотлари кенг тарқалганини айтади ва бундай конструкциялар билан мураккаблашган содда гапларда ана шу конструкциялар ҳисобига икки ёки ундан ортиқ пропозиция ифодаланиши ҳамда шу йўл билан гап семантик субстратининг мураккаблашуви натижасида гапда семантик-синтактик асимметрия юзага келишини таъкидлайди [4. Б. 99]. Семантик-синтактик асимметрия эса мураккаб жараён бўлиб, аввало, икки элементнинг зидланиши ва ана шу зидланувчи аъзоларнинг маълум шароитда зиддият белгиларини йўқотиб, мўътадиллашуви натижасида вужудга келади. Масалан: *Шу зайлда у орадан кўп ўтмай, болани ҳам унутди* (А.Ҳакимов. “Оқсоқ бўри”). Мазкур равишдош обороти билан мураккаблашган содда гапда иккита пропозиция ифодаланган: 1) *шу зайлда орадан кўп ўтмай;* 2) *у болани ҳам унутди.* Пропозициялардан биринчисида ярим, иккинчиси эса тўлиқ предикация шаклланган. Жумла таркибидаги ана шу икки пропозиция предикативлик белгиларининг борйўқлигига кўра ўзаро зиддиятга киришган. Агар зидланиш учун асос бўлган предикативлик белгиси зидланувчи аъзоларнинг ҳар иккисида ҳам сақланганда, иккита пропозиция иккита предикатив бирлик орқали ифодаланиб, зиддиятга ўрин қолмаган бўлар эди. Биринчи пропозиция ифодачисида предикация шаклланмагани учун у гап эмас, нопредикатив бирикма. Иккинчи пропозиция ифодачисида предикация шаклланган, шунинг учун у предикатив бирикма. Демак, мураккаб фикр бир содда гап шакли орқали ифодаланган. Аслида мазкур ифода учун икки хил гап шаклидан фойдаланиш мумкин: 1. *Шу зайлда у орадан кўп ўтмай, болани ҳам унутди. 2. Орадан кўп ўтмади, шу зайлда у болани ҳам унутди.* Тилда ўзаро зиддиятли муносабатда бўлган мазкур иккита гапдан нутқий вазиятда фақат биттаси реаллашади. Натижада мураккаблашган содда гап ва қўшма гап мўътадиллашуви юзага келади. Бу эса содда гапнинг шакли ва мазмуни ўртасида номувофиқликнинг юзага келишига сабаб бўлган.

Пастликда ястаниб ётган қишлоқни кўргач, тўхтади. (А.Ҳакимов. “Оқсоқ бўри”). Ушбу гапда учта пропозиция мавжуд: 1) *пастликда ястаниб ётган*; 2) *қишлоқни кўргач*; 3) *тўхтади*. Биринчи ва иккинчи пропозиция ифодачиларида предикация тўлиқ шаклланмагани учун уларни гап деб бўлмайди, у жумла таркибида сифатдош (*пастликда ястаниб ётган*) ва равишдош оборот (*қишлоқни кўргач*) билан ифодаланган ҳол вазиятида келган. Учинчи пропозиция ифодачисида эса предикация тўлиқ шаклланган. Шунинг учун у гап. Демак, бир содда гап шакли орқали уч пропозиция ифодаланган. Натижада содда ва қўшма гаплар мўътадиллашуви юз берган. Мўътадиллашув учун асос пропозициялар ўртасидаги предикациянинг мавжуд-мавжуд эмаслигига кўра приватив зидланишдир. Агар предикативлик белгилари ҳар учала пропозиция ифодачиларида мавжуд бўлганда, зиддиятга ўрин қолмас эди ва бу конструкция уч компонентли мураккаб қўшма гап бўлар эди. Биринчи ва иккинчи пропозиция ифодачиларида предикативлик белгилари тўлиқ шаклланмаганлиги учун мураккаб мазмун содда гап шакли орқали ифодаланган.

Одатда, синтактик бирликлар мўътадиллашувида зиддият аъзолари мазмунан зидланиш белгисини йўқотиб, ўзаро эркин алмашиниш дистрибуцияси муносабатида бўлган бир семантик парадигмани ҳосил қилади ва шу белгиси билан фонологик сатҳдаги мўътадиллашувдан фарқ қилади. Баъзи ҳолларда эса бунинг акси ҳам бўлиши мумкин, яъни мазмуний эмас, шаклий жиҳатдан ҳам зидланиш белгисини йўқотиб, эркин алмашиниб келиш хусусиятига эга бўлади. Масалан, *Қишлоқ биқинидан ўтган дарёдан енгил туман кўтарилиб, дарахтлар устига келиб туриб қоларди.* (А.Ҳакимов. “Оқсоқ бўри”). Мазкур гапда учта пропозиция мавжуд: 1) *дарё қишлоқ биқинидан ўтган; 2) дарёдан енгил*

туман кўтарилиб; 3) *дарахтлар устига келиб туриб қоларди.* Биринчи ва иккинчи бирикмаларда предикация тўлиқ шаклланмаган. Шунинг учун биринчиси (*қишлоқ биқинидан ўтган*) сифатдош оборот, иккинчиси (*дарёдан енгил туман кўтарилиб*) равишдош оборот вазиятида келган. "*дарахтлар устига келиб туриб қоларди*" бирикмасида эса предикация тўлиқ шаклланган, шунинг учун у гап. Демак, мазкур гапда ҳам юқоридаги мисолдагидек бир содда гап шакли орқали уч пропозиция ифодаланган. Гапларни қўйидаги шаклларда қўллаш мумкин: *Қишлоқ биқинидан ўтган дарёдан енгил туман кўтарилиб, дарахтлар устига келиб туриб қоларди // Дарё қишлоқ биқинидан ўтган, ундан енгил туман кўтариларди ва дарахтлар устига келиб туриб қоларди.* Булардан биринчиси содда гап, иккинчиси эса қўшма гап. Кўринадики, бир хил пропозиция ҳам содда, ҳам қўшма гап шакли орқали ифодаланиши мумкин. Ҳар икки ҳолатда ҳам жумланинг мазмунига путур етмайди. Ўзаро зидланишда бўлган ана шу содда ва қўшма гаплардан нутқий шароитда фақат биттасининг реаллашиши зиддият аъзоларининг шаклий жиҳатдан мўътадиллашувига олиб келади. *Эндигина ҳаётининг баҳорини яшаётган Ханса ҳам Уҳуд жанги тул қолдирган маҳзун аёллардан биридир* (Аҳмад Лутфий Қозончи. "Саодат асри қиссалари"). Сифатдош оборотлари билан мураккаблашган мазкур содда гапда учта пропозиция ифодаланган: 1) *эндигина ҳаётнинг баҳорини яшаётган*; 2) *Уҳуд жанги тул қолдирган;* 3) *аёллардан биридир*. Биринчи сифатдош обороти эганинг аниқловчиси, иккинчи сифатдош оборот эса от кесимнинг кенгайтирувчиси вазиятида келган. Уларда предикативлик шаклланмагани учун жумла таркибида маълум гап бўлакларининг кенгайтирувчиси ҳисобланади. Натижада мураккаб фикр содда гап шакли орқали ифодаланиб, гап шакли ва мазмуни ўртасида зиддият юзага келган.

Ҳ.Усмонова феъл предикатли пропозитив номларнинг ички тузилиши ҳақида гапирар экан, бир неча морфологик шаклларда ифодаланган, кесимга нисбатан бир синтактик вазиятда келган синтактик бутунлик бир бутун ҳолда функциялашишини айтади. Бундай синтактик бутунликларда бир узв бошқа узвларни бирлаштирувчи етакчи восита саналишини ва бу етакчи қисм ўзи эргаштириб келган бошқа қисмлар билан биргаликда, бир бутун ҳолатда кесимга нисбатан тобе вазиятда келишини айтади. Шунга кўра гап бўлакларини учга ажратади: 1) содда гап бўлаклари; 2) мураккаб гап бўлаклари; 3) бирикмали гап бўлаклари. Фақат бир морфологик шаклдан ташкил топган гап бўлаги содда, турғун бирикмалардан ифодаланган гап бўлаги мураккаб, предикат аргументларини кенгайтириб келган бўлаклар бирикмали гап бўлаги саналишини таъкидлайди [10. Б. 18].

Орқама-орқа келаётган кунлар ва кечалар унинг ичларини парчалаган қайғуни оз-оздан аритиб кетаверади. (Аҳмад Лутфий Қозончи. "Саодат асри қиссалари"). Мазкур гапда "*аритиб кетаверади"* – кесим, "*кунлар ва кечалар"* – эга. "*Орқама-орқа келаётган"* – эганинг кенгайтирувчиси, тузилишига кўра бирикмали гап бўлаги (сифатдошли кенгайган бирикма). *"Ичларини парчалаган"* сифатдошли кенгайган бирикма эса "*қайғуни"* тўлдирувчисининг бўлаги. Кўриниб турибдики, мазкур содда гапдан учта пропозиция англашилган. Биринчиси "*аритиб кетаверади"* феъл кесими орқали ифодаланган, иккинчи ва учинчи пропозиция "*Орқама-орқа келаётган*", "*ичларини парчалаган*" сифатдошли кенгайган бирикмалар орқали ифодаланган. Ушбу сифатдошли кенгайган бирикмалар орқали пропозиция ифодалангани билан предикативлик шаклланмаган. Шунинг учун бирдан ортиқ пропозиция содда гап шакли орқали ифодаланган. Яъни, бошқача айтганда, ушбу гап монопредикатив ва полипропозитив гапдир. Пропозитив қисмлар ўзаро предикативлик белгисининг бор-йўқлиги билан зиддиятга киришган. Ана шу зиддиятларнинг мўътадиллашуви натижасида мураккаб фикр содда гап шакли орқали ифодаланган, натижада гапнинг шакли ва мазмуни ўртасида номувофиқлик юзага келган.

Орадан ойлар кечди. Уҳуд жангидан кейин Ҳандақ ғазоти бўлиб ўтди. Сўнгра яна ҳафталар ойларга уланди. Ханса яна аввалги Хансага айланди. ***Фақат бир замонлар ғам-аламдан тарс ёрилай деган қалбида шаҳид эрига оид хотира қолган эди***. (Аҳмад Лутфий Қозончи. "Саодат асри қиссалари"). Мазкур ажратиб кўрсатилган гапда "*қолган эди"* предикати бир неча бўш ўринларга эга. Бу бўш ўринларни ҳол позициясида келган "*Фақат бир замонлар ғам-аламдан тарс ёрилай деган қалбида"*, эга позициясида келган "*шаҳид эрига оид хотира*" бирликлари тўлдиради. "*Фақат бир замонлар ғам-*

аламдан тарс ёрилай деган қалбида” ҳамда “*шаҳид эрига оид хотира*” қурилмаларининг ўзи яна ички бўлинишларга эга бўлади. Уларнинг таркибидаги ҳар қайси морфологик шаклнинг синтактик вазифаси умумий гап учун эмас, билки ички қурилма учун тегишли тарзда белгиланади. “*Фақат бир замонлар ғам-аламдан тарс ёрилай деган” ҳамда* “*шаҳид эрига оид”* бирикувлари ўз ички тузилишига эга бўлган яхлит бир позициядаги пропозитив номланишдир. Уларда пропозиция бор, аммо предикативлик йўқ. Шунинг учун мазкур конструкция содда гап ҳисобланади. Содда гап шакли орқали мураккаб фикр ифодаланган.

Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди (Чўлпон. “Кеча ва кундуз”). Ушбу содда гапда учта пропозиция ифодаланган: 1) *бултур экилиб;* 2) *кўп қошларни қорайтирган;* 3) *ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди.* Биринчи пропозиция равишдош оборoти, икинчи пропозиция сифатдош оборoти билан ифодаланган. Уларда предикативлик шаклланмагани учун гапда кесим эмас, кесимнинг бўш ўринларини тўлдирувчи бўлак вазифасида келган. Тузилишига кўра бирикмали гап бўлаги. Кенгайган бирикмалар, яъни равишдош ва сифатдош оборотларида предикативлик шаклланмагани учун мазкур қурилма содда гап ҳисобланади. Гапни қуйидаги кўринишларда ифодалаш мумкин: 1. *Ўсма бултур экилган, кўп қошларни қорайтирган, у илдизидан яна бош кўтариб чиқди.* 2. *Бултур экилиб, кўп қошларни қорайтирган ўсма илдизидан яна бош кўтариб чиқди.* Иккала кўринишда ҳам ахборот ҳажми бир хил, фақат ўша ахборот биринчи кўринишда мазмунан бир-бирини тўлдирувчи учта гап шакли орқали, иккинчи кўринишда эса равишдош ва сифатдош оборотлари билан мураккаблашган битта содда гап шакли орқали ифодаланган. Демак, қўшма гап ва битта мураккаблашган содда гап ўзаро оппозицияга киришган. Оппозиция аъзоларидан бири эса транспозитив ҳолатда қўлланган. Натижада оппозиция аъзолари шаклан оппозициядан чиқиб, ўзаро эркин алмашиниш имкониятига эга бўлган. Бу қўшма гап ва содда гап ўртасидаги зиддиятнинг мўътадиллашувидир.

Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш ҳеч кимга айб эмасди. Атрофда иккинчи, ҳатто учинчи бор оила қурган эркак ва хотинлар бор эди (Аҳмад Лутфий Қозончи. “Саодат асри қиссалари”). Мазкур парчада “*Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш ҳеч кимга айб эмасди”* гапи ҳаракат номили кенгайган бирикма (оборот) билан мураккаблашган содда гап. Унда иккита пропозиция ифодаланган: 1. *Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш*. 2. *Бунинг ҳеч кимга айб эмаслиги.* Сифатдошли кенгайган бирикма орқали ифодаланган пропозияда предикативлик йўқ. Шунинг учун у мустақил гап эмас, содда гапнинг бўлаги, яъни эгаси вазиятида қатнашмоқда. Гапни қуйидаги шаклларда қўллаш мумкин: *Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш мумкин, бу ҳеч кимга айб эмас. // Иккинчи марта уйланиш ё эрга тегиш ҳеч кимга айб эмас.* Кўринадики, тилда эркин алмашиниш муносабатида бўлган иккита бирликдан нутқий жараёнда фақат биттаси реаллашади. Ана шунга кўра юқорида қўшма гап ўрнида содда гап шаклидан фойдаланилган. Бу лисоний тежаш тамойили асосида юзага келган. Мўътадиллашув жараёнини босиб ўтган жумланинг шакли ва мазмуни ўртасида эса асимметрия кузатилади. Н.Маҳмудов тўғри таъкидлаганидек, тилда семантик-синтактик асимметриянинг юзага келиши тилдаги доимий икки тенденциянинг – ортиқчалик ва тил воситаларининг экономияси тенденцияларининг у ёки бу формадаги намоён бўлишидан иборатдир [4. Б. 12].

Баъзан сифатдош оборотларда номинализациянинг кучайиши ундаги предикатив мазмуннинг камайишига олиб келади. Натижада (ўзидан кейинги) иккинчи пропозиция ифодачисининг таркибий қисмига айланиши мумкин. Масалан, *Мўминлар, пайғамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб, намозга туришди* (Аҳмад Лутфий Қозончи. “Саодат асри қиссалари”). Гапда учта пропозиция мавжуд: 1) *мўминлар, пайғамбарлар Саййиди (с.а.в.) бўлган; 2) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб; 3) намозга туришди.* Биринчи пропозиция сифатдош оборoти, иккинчиси равишдош оборoти билан ифодаланган. Сифатдош оборoти таркибидаги “*бўлган”* қисми тушириб қолдирилиши ҳисобига унда номинализация кучайган, бу эса ундаги пропозициянинг кучсизланишига олиб келган. Натижада у равишдош оборoти орқали ифодаланган пропозициянинг таркибий қисмига айланган ва жумла орқали учта эмас иккита пропозиция ифодаланган. Биринчи пропозиция “*Мўминлар, пайғамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб”* равишдош оборoти орқали ифодаланган ва

иккинчи даражали предикацияни ташкил қилган. Иккинчи пропозиция (*намозга туришди*) эса гапдаги асосий предикатдан англашилган.

Гапни икки хил шаклда ифодалаш мумкин: *Мўминлар, пайғамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланиб, намозга туришди // Мўминлар, пайғамбарлар Саййиди (с.а.в.) жанобимизнинг ортларида Каъбага юзланишди, намозга туришди.* Ҳар иккала гапда ҳам ахборот сиғими бир хил. Биринчи гап тузилишига кўра содда гап бўлса, иккинчиси боғловчисиз қўшма гап. Кўринадики, тилда мураккаблашган содда гап ва боғловчисиз қўшма гаплар зиддиятли муносабатга киришган. Нутқда улардан фақат биттасининг реаллашиши натижасида мўътадиллашув юз беради. Мўътадиллашув жараёнини босиб ўтган жумланинг эса шакли ва мазмуни ўртасида номувофиқлик кузатилади.

Маккада биргина Абу Рофеъ қолди. Унга Жанобимиз охирги марта уйланаётган хотинлари ***Маймунани олиб бориш*** *вазифаси юкланган эди* (Аҳмад Лутфий Қозончи. “Саодат асри қиссалари”). Мазкур парчадаги иккинчи гапни таҳлил қилсак. *Унга Жанобимиз охирги марта уйланаётган хотинлари* ***Маймунани олиб бориш*** *вазифаси юкланган эди.* Гапда учта пропозиция ифодаланган: 1. Жанобимиз охирги марта уйланаётган. 2. Маймунани олиб бориш. 3. Вазифаси юкланган эди. Биринчи пропозиция сифатдош обороти билан, иккинчи пропозиция ҳаракат номи оборотн балан ифодаланган. Гапда “*Вазифаси юкланган эди*” асосий предикат, биринчи ва иккинчи пропозиция ифодачилари ўзида предикативлик белгиларини намоён этмагани учун иккинчи даражали предикат ҳисобланади. Демак, мураккаб фикр битта содда гап орқали ифодаланган. Натижада содда ва қўшма гаплар ўртасида зидланиш белгисининг йўқолиши уларнинг мўътадиллашувига олиб келган.

Сифатдош, равишдош оборотлари каби ҳаракат номи оборотлари ҳам маълум бир гапнинг трансфомацияси натижасида вужудга келади ва номинализациялашади. Масалан, *Жанобимизнинг ўзларинигина таклиф этиши, эҳтимол, бир кишига етарли овқат ҳозирлаганидандир* (Аҳмад Лутфий Қозончи. “Саодат асри қиссалари”). Мазкур гапда икки пропозиция ифодаланган. Биринчи пропозиция “*Жанобимизнинг ўзларинигина таклиф этиши”* ҳаракат номи обороти орқали ифодаланган. У “*Жанобимизнинг ўзларинигина таклиф этди”* гапининг трансформациясидан ҳосил бўлган. Бу трансформация мустақил гапни гап бўлмаган конструкцияга, яъни ҳаракат номили оборотга айлантирган, натижада предикатив бирлик нопредикатив бирликка айланган. Иккинчи пропозиция “*бир кишига етарли овқат ҳозирлаганидандир”* шаклида ифодаланган. У гапнинг асосий предикати ҳисобланади. Сўзловчининг коммуникатив нияти турли воқеликлар ҳақида ахборот бериш эмас, улар ўртасидаги сабаб-натижа муносабатини ифодалашдан иборат. Демак, мазкур пропозицияларни ҳаракат номи обороти билан мураккаблашган содда гап ва эргаш гапли қўшма гап шакллари орқали ифодалаш мумкин (*Жанобимизнинг ўзларинигина таклиф этиши, эҳтимол, бир кишига етарли овқат ҳозирлаганидандир. // Ҳозирлаган овқати кўпчиликка етмаса керак, шунинг учун жанобимизнинг ўзларини таклиф этишган).* Ҳар иккала ҳолатда ҳам сўзловчининг коммуникатив нияти ўзгармайди. Сўзловчининг ана шу ниятининг юзага чиқиши учун тилда иккала гап зиддиятли муносабатда бўлади. Нутқий вазиятда улардан фақат биттасининг реаллашиши мўътадиллашувга олиб келади.

Демак, таҳлиллардан кўриниб турибдики, содда гап таркибида сифатдош, равишдош ва ҳаракат номили кенгайган бирикмалар қатнашганда, трансформация ҳисобига гапнинг ахборот ҳажми кенгаяди. Бунда гапнинг шакли ва мазмуни ўртасида номувофиқлик кузатилади. Семантик-синтактик номувофиқлик эса мўътадиллашув натижасида вужудга келади.

Адабиётлар:

1. *Нурмонов А*. Синтактик конструкцияларда тасдиқ ва инкор оппозицияларининг нейтраллашуви // Ўзбек тили ва адабиёти, 1981. – № 6. – Б. 45–51.

2. *Шипилова Е.А*. Нейтрализация в системе простого и сложного предложений // Вестник ТГУ, 2007. – № 10(54). – С.63–66.

3. Ўзбек тили грамматикаси. Синтаксис. II томли. 2-том. /Масъул муҳаррир. Ғ.А.Абдураҳмонова ва бошқ.– Тошкент: Фан, 1976. – 559 б.

4. *Маҳмудов Н.М*. Ўзбек тилидаги содда гапларда семантик-синтактик асимметрия. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984. – 146 б.

5. *Абдураҳмонов Г.* С Синтаксис осложненного предложения: К некоторым спорным вопросам синтаксиса тюркских языков // В кн.: Структура и история тюркских языков. В сб. – Москва: Наука, 1971. – С. 138–147.

6. *Золотова Г.А*. Очерк функционального синтаксиса русского языка. – Москва: Наука, 1973. – 352 с.

7. *Юлдашев А.А*. Соотношение деепричастных и личных форм глагола в тюркских языках. – Москва: Наука, 1977. – 321 с.

8. *Гаджиева Н.З*. Основные пути развития синтаксической структуры тюркских языков. – Москва: Наука, 1973. – 283 с.

9. *Усмонова Ҳ.Ш*. Ўзбек тилидаги гап бўлакларининг позицион структураси. Филол.фан.докт. ...дисс. автореф. –Тошкент, 2009. – 34 б.

10. *Набиева Д.* Ўзбек тилининг турли сатҳларида умумийлик-хусусийлик диалектикасининг намоён бўлиши. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 166 б.

NEUTRALIZATION IN COMPLICATED SIMPLE SENTENCES IN THE UZBEK LANGUAGE

D.A. Nurmanova

Ilmiy xabarnoma. Seriya: Gumanitar tadqiqotlar – Scientific Bulletin. Series: Humanitarian Studies. 2022. 5(65). 97-104.

[1]Andijan State University, Andijan, 170100, str., University, 129 (Uzbekistan). E-mail: agsu_info@edu.uz

Keywords: opposition, neutralization, proposition, main predication, secondary predication, adverbial turnover, participial turnover.

Any linguistic unit has a certain internal adjustment (structure). The elements that make up the internal structure of linguistic units determine its content. The elements of the internal structure determining the content of a linguistic unit do not perform the same function in the relationship of this linguistic unit with another linguistic unit in the language system. One group of them shows that this linguistic unit is similar to another, while others show that it is different. On the basis of its similarity, the linguistic unit is combined into a certain paradigm, and on the basis of its difference, the uniqueness of this linguistic unit in the structure of a certain paradigm is determined. Both functions of the elements that make up the content of a linguistic unit are revealed in the relationship of this linguistic unit with another linguistic unit. That is why the concept of attitude occupies an important place in linguistics. The relation of linguistic units, in turn, defines the concepts of similarity and difference. Elements that indicate similarity are considered unifying, and elements that indicate difference are considered differentiating. It is understood that in the language system, each linguistic sign is opposed to another by a certain distinguishing sign. That is why the concept of conflict is the basis of linguistics.

Two linguistic units that conflict in paradigmatics can lose their signs of conflict in the syntagmatic relationship - they can remain the same. Such a phenomenon is called moderation (neutralization).

Moderation occurs on the basis of a certain law in a specific speech situation. So, moderation occurs directly in speech. But depending on the situation, this phenomenon cannot be related only to the speech stage. Some kind of generalization, model lies in the ground of this speech phenomenon.

Moderation manifests itself differently across language levels. At the phonological level, the same form of conflict members leads to moderation, while at the syntactic level, in particular, in complicated simple sentences, the same content of conflict members also leads to moderation. The phenomenon of moderation at the syntactic level has not been studied mono graphically in Uzbek linguistics. Therefore, the study of moderation at the syntactic level, in particular at the level of a simple sentence, and the conditions for its occurrence, becomes relevant. Based on this, the article discusses the phenomenon of moderation in simple sentences complicated by adjectives, adverbs and nouns of action in the Uzbek language, and the reasons for its occurrence.

References:

1. Nurmonov, A. (1981) Sintaktik konstruksiyalarda tasdiq va inkor oppozisiyalarining neytrallashuvi [Neutralization of affirmative and negative oppositions in syntactic constructions]. *O‘zbek tili va adabiyoti*. No 6. Pp. 45-51.

2. Shipilova, E.A. (2007) Nejtralizaciya v sisteme prostogo i slozhnogo predlozhenij [Neutralization in the system of simple and complex sentences]. *Vestnik TGU*. No 10(54). Pp. 63-66.

3.Abdurahmonov, G‘A. (ed.) (1976) *O‘zbek tili grammatikasi. Sintaksis* [Grammar of the Uzbek language. Syntax]. In 2 volems. Vol.2. Tashkent: Fan.

4. Mahmudov, N.M. (1984*) O‘zbek tilidagi sodda gaplarda semantik-sintaktik asimmetriya* [Semantic-syntactic asymmetry in simple sentences in the Uzbek language.]. Tashkent: O‘qituvchi.

5. Abdurahmonov, G‘.A. (1971) *Sintaksis oslozhnennogo predlozheniya: K nekotorym spornym voprosam sintaksisa tyurkskih yazykov* [Complicated sentence syntax: On some controversial issues of the syntax of the Turkic languages]. In: Struktura i istoriya tyurkskih yazykov [Structure and history of Turkic languages]. Collection stage. Moscow: Nauka. Pp. 138–147.

6. Zolotova, G.A. (1973) *Ocherk funkcional'nogo sintaksisa russkogo yazyka* [Essay on the functional syntax of the Russian language]. Moscow: Nauka.

7. Yuldashev, A.A.(1977) *Sootnoshenie deeprichastnyh i lichnyh form glagola v tyurkskih yazykah* [Correlation of participial and personal forms of the verb in the Turkic languages.]. Moscow: Nauka.

8. Gadzhieva, N.Z.(1973) *Osnovnye puti razvitiya sintaksicheskoj struktury tyurkskih yazykov* [The main ways of development of the syntactic structure of the Turkic languages]. Moscow: Nauka.

9. Usmonova, H.Sh. (2009) *O‘zbek tilidagi gap bo‘laklarining pozision strukturasi* [Positional structure of sentences in the Uzbek language]. Abstract of Dissertation for the degree of Doctor of Philological Sciences. Tashkent.

10. Nabieva, D. (2005) *O‘zbek tilining turli sathlarida umumijlik-xususiylik dialektikasining namoyon bo‘lishi* [Manifestation of the generality-specificity dialectic at different levels of the Uzbek language].Tashkent: Shark.

Муаллиф ҳақида маълумот:

НУРМАНОВА Дилфуза Абдуҳамидовна – филология фанлари номзоди, Андижон давлат университети Ўзбек тилшунослиги кафедраси доценти. E-mail: nurmanova73@icloud.com